ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Нодира Хамраева
Термиз давлат университети ўқитувчиси.

https://doi.org/10.5281/zenodo.24072480

Жаҳон миқёсида ахборот коммуникация технологиялари дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшиши билан бирга, мураккаб ва зиддиятли характерга эга бўлган жараёнларни ҳам келтириб чиқармоқда. XXI асрда ахборот ресурслари ижтимоий, маданий, маънавий соҳадаги маълумотлар орқали турли ёш ва тоифадаги шахсларнинг онгига таъсир қилиб, уларнинг дунёқараши, ижтимоий характери ҳамда мураккаб тафаккурини шакллантириш воситаси сифатида реал воқеликка айланди. Шу сабабли шаклланаёган ахборотлашган жамиятда маънавиятда ҳам турли хил ўзгаришларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли ҳам ҳозирги давр жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучайган, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб бораётган давр бўлиб, бутун инсоният, шу жумладан халқимиз ҳам маънавиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамоқда. Ушбу жараёнда жамиятимиз маънавий ҳаётига турли-туман ахборот, илм-фан, маданият ва санъат, янги цивилизациялар, технологияларнинг кириб келиши билан биргаликда турли зарарли ғоялар ва мафкуралар таҳдидининг вужудга келиши бугунги кунда шундай глобаллашув шароитида маънавият муаммосини, маънавий хусусиятларимизни сақлаш ҳамда маънавий тарбияни ривожлантириш масалаларини долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Маънавият маърифат ва маданият билан узвий боғлиқ. Инсон маънавияти таълим-тарбия ёрдамида шакллантирилади. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик равнақ топади. Маънавиятли инсон яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир мақсадга инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгиловчи асосий омилларидан биридир. Маънавият камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади. Маънавиятли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлиб, турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожисиз маънавиятни тасаввур қилиш қийин.

Шундай экан, ўқувчи-ёшлар таълим-тарбиясида маданий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини юқори савияда таъминлайдиган замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ўқувчи-ёшларимизнинг маънавий маънавиятини юксалтиришга

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

қаратилган самарали усулларни такомиллаштириш, бугунги педагогика фани олдида турган энг муҳим муаммолардан бири эканлигини чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Профессор О.Мусурмановнинг умумий таҳрири остида чиққан Педагогик атамалар луғати китобида «Маънавий маданият» тушунчасига қўйидагича таъриф берилади:

Маънавий маданият – бу 1) интеллект (ақл) маданияти, мулоқотлар маданияти (сезги ва эмоциялар), фикрлаш маданияти ва ўз ичига оладиган интегратив тавсифдир;

2) юксак онг, инсоннинг ривожланганлик даражаси бўлиб, у ўз навбатида генетик мойиллик, оила, ўсиб келаётган шахснинг бевосита муҳити, мактаблар, ва албатта, янги технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ, ваҳоланки улар ўсиб улғаётган авлодни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ахборотлар маданий ва тарихий қадриятларнинг ичига киришга имконини беради. У инсонлар томонидан ўзлаштирилган билим, дин, ишонч, қадриятлар, мафкура, одаб-ахлоқ, тил, қонун, анъана ва дастурларни ўз ичига олади .

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугун жамиятнинг барча соҳаларини жадал ахборотлаштириш шароитида, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш бунга фақат халқимиз айниқса, ўқувчи-ёшларимизнинг маънавий маданиятини ривожлантириш, таълим-тарбия соҳаларини жадал ислоҳ қилиш ва инновациялар йўли билан эриша олишимиз мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди .

Таълим муассасаларида таълим-тарбиявий ишларни тизимли йўлга қўйиш, бу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онги тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, маънавий маданиятини ривожлантириш, она ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўқувчилар маънавий маданиятини ривожлантиришнинг мазкур таркибий қирралари механизми мураккаб педагогик жараён бўлиб, уни амалга оширишда дидактика, тарбия назарияси, таълим менежментида илгари сурилган илғор инновацион ғояларга таянган ҳолда иш кўриш талаб этилади. Ушбу жараёнда оила, таълим муассасалари, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этишлари муҳимдир.

Лекин афсуски бугунги кунда ўқувчи-ёшларимизнинг ҳар томонлама маънавий етук авлод қилиб тарбиялашга тўсиқ бўлувчи хавфли омиллардан бири глобаллашув ва унинг оқибатида юзага келадиган маънавий таҳдидлардир. Глобаллашув жараёнларининг салбий ва ижобий томонлари, глобаллашувнинг ўқувчи-ёшлар маънавиятга таъсири кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган.

Хорижий ва маҳаллий олимларнинг асарларида маънавият, маданият ва тарбияга нисбатан бўлаётган салбий тазйиқларнинг олдини олиш ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш зарурати муҳим эканлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиеёвнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби» мавзусидаги нутқида «Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган даъватга

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

бугун «Ўз болангни ўзинг асра!» деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман» - деб билдирган фикри ҳозирги кунги ҳаётий ҳақиқатдир.

Глоббалашув ва янги халқаро ахборот тартиби шаклланаётган бир шароитда деярли тўрт аср аввал машҳур инглиз файласуфи Френсис Бэкон томонидан айтилган “Кимки ахборотга эгалик қилса, у дунёга эгалик қилади”, деган сўзлар янгича мазмун касб этмоқда. Маълумки, ҳозирги замон ёшларининг ҳаётий тушунча ва тасааввурларини, асосан, интернет шакллантирмоқда. Бу эса таълим-тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда.

Интернетнинг шахсий ривожланишига таъсирини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказилганида, унинг натижасида ўқувчи-ёшларнинг аксарияти Интернетнинг ижобий ва энг муҳими, салбий таъсирини тушунишмаслиги айён бўлди.

Асрлар давомида халқимизнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари, талаблари асосида яратилган қадриятларида олға сурилган илғор тарбиявий ғояларни ўз онгида яхлит шакллантирган, уларнинг моҳиятини амалий фаолиятида намоён қила оладиган, оиланинг, халқнинг, жамиятнинг маънавий ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган ўқувчи-ёшлар маънавий маданияти ҳисобланади. Миллий, умуминсоний маънавият ва қадриятлардан тўла баҳраманд бўлмаган, она тилини билмаган, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига онгли равишда ҳисса қўшмаган инсон – маънавий қашшоқ инсондир. Маънавий қашшоқлиқ эса халқни, миллатни, умуман, жамиятни таназзулга олиб боради .

Шу боис, ўқувчи-ёшларимизни маънавий жиҳатдан камол топтириш учун икки муҳим нарсани ўзаро уйғун ҳолда қўшиб олиб бориш лозим. Бири – бой маънавий ва маданий меросимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

Иккинчиси эса, бутун инсоният, хусусан тараққий топган мамлакатларда юзага келган маънавий ва маданий ютуқлардан миллий хусусиятларимиз ва руҳиятимизга мувофиқ келадиганларини ижодий ўзлаштиришимиз лозим. Бу икки хусусиятни ўзаро пайванд қилиш орқасида республикамиз ёшларини маънавий-маърифий жиҳатдан камолга етказишнинг замини бунёд этилади.

Ўзбекистон ўз қадимий маданиятига, қадриятларига эга ўлкадир.

Халқимизнинг аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган ниҳоятда қадимий ва бой маънавий-маданий мероси бугунги кунда дунё ҳамжамиятини мамлакатимизга тобора жалб қилмоқда. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.

Маданий бойликлар - аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида етиб келган, инсониятнинг бугунги ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар, бутун инсоният мулкини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорликлар, халқнинг, миллатнинг асрлар мобайнида ёзма манбалар ва халқ оғзаки ижодида

ифодаланган, объективлашган ва субъективлашган нарса ва буюмларда акс эттирилган моддий, маънавий фолият маҳсулидир. Унда билим, тажриба, дунёқараш, маънавият ва маърифат уйғун тарзда муҳрланган - деб таъриф берилади

Шунингдек, ушбу китобда маданий мерос атамасига қуйидагича таъриф берилади.

Маданий мерос – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий ҳамда маънавий бойликлардир.

Мамлакатимизда мавжуд 4000 дан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Сўнгги йилларида ана шу бебаҳо маданий меросларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, Сурхандарё ҳудудидаги Термиз, Шеробод, Денов, Жарқўрғон каби кўҳна шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, масжиду мадрасалар, мақбаралар, қадамжолар ҳамда маданий мероснинг ажралмас қисмидир. Маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш, ёш авлод онгига улар ҳақидаги маълумотларни етказиш, улардан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш орқали миллий ғурурни шакллантириш катта педагогик аҳамиятга эгадир.

Айнан истиқлол йилларида тарихий-маданий меросга муносабат фалсафасининг ягона тамойили ишлаб чиқилди. Бу тамойил юртимиз тарихига, маданий меросимизга бўлган эътиборни шакллантиришга, ёш авлодни тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ва ёшларимизда ватанпарварлик, бунёдкорлик ҳисларини кучайтиришга йўналтирилганлиги, халқимизнинг бой тарихий-маданий меросини умумбашарий аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳукуматимиз томонидан миллий-маданий меросга муносабат борасида илгари сурилган чуқур фалсафий моҳиятга эга концептуал ғоялар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши ёшлар маънавий маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, бой тарихий-маданий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ёшларимиз қалби ва онгу шуурида миллий қадриятларнинг чуқур сингдирилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Айни пайтда бу жисмоний, маънавий ва руҳий чиниқтириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туғусини оширишга хизмат қилади.

Мавжуд маънавий-маданий меросни қай даражада сақланиб, авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиб кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон ҳамжамиятига тарғиб этиш борасида амалий ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ўтмишни ўрганиш, айниқса, ҳар биримиз яшаб турган шаҳару қишлоқларимизнинг, жумҳуриятимизнинг тарихини чуқур билиш ёшлар тарбиясида зарурлигини тушуниб бораётганлигимиз қувонарли ҳолат. Тарихий-маданий меросни ўрганиш, дунё тамаддуни хазинасига қай даражада ҳисса қўшганлигини билиш ёшларимизнинг маънавий шаклланишида жуда муҳим.

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

Қадимдан доно халқимиз ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қилишган. Айниқса ватанга муҳаббат, она юртига содиқлик, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантиришда турли восита ва усуллардан фойдаланишган. Ватанга муҳаббат, садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини халқимизнинг буюк тарихисиз, буюк аждодларимизнинг донишмандлигисиз, бетакрор маданий ва манавий меросимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Илм-фан ва маърифат тараққиёти, миллий маънавият ва қадриятларнинг тикланиши билан боғлиқ ушбу жараёнда асрлар давомида халқимиз томонидан муқаддас ҳисоблаб келинган зиёратгоҳлар, қадамжоларга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Чунки, бой маданиятимизни азал-азалдан эъзозлаб келинаётган муқаддас маданий меросларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, тарихий меъморий обидалар инсонлар онгида яхшилик манбаи, ҳар бир инсонни бунёдкорликка чорловчи, туғилиб ўсган она ватанига меҳр ва ифтихор туйғуларини уйғотувчи муқаддас жой вазифасини ҳам ўтаб келган.

Ўз навбатида эса ҳар бир оиладаги фарзандлар ёшлигидан муқаддас қадамжоларга ижобий муносабатда бўлиш руҳида тарбияланган.

Шу сабабли халқимиз миллий қадриятларида зиёратга бориш оилавий анъана тарзида сақланиб қолган.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муқаддас масканлар, тарихий обидаларга ташриф уюштириш ёш авлодда ўз авлод аждодларига ҳурмат, ўзлигини англаш, насл-насаби билиш билан бир қаторда ўзига нисбатан ишонч, миллий ғурур, туғилиб ўсган жойига ҳурмат, ватанига муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида аксарият ёшларимиз тарихий-маданий меросларни яхши билмаслиги сабабли ватанимиз тарихий мероси, маданиятидан узоқлашиб қолаётганлиги боис ҳар хил зарарли кучлар таъсирига тушиб қолиши кузатилмоқда.

Шу боисдан ҳам ҳозирги мураккаб глобаллашув даврда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий маданиятимизни сақлаш, ота-боболаримиздан мерос қолган маданий меросимизни ёш авлодга етказиш, халқимизнинг бош мақсадига айланган.

Бугунги кунда кенг илдиз отиб бораётган турли ёт ғоялар таъсиридан ёшларимизни қай йўсинда ҳимоя қилсак мақсадга мувофиқ бўлади? Аввало, халқимизнинг азалий миллий урф-одатлари, анъаналаридан самарали фойдаланиб таълим муассасалари ва жамоат бирлашмалари ўртасида ҳамкорликни изчил амалга оширишни янада такомиллаштириш лозим.

Сабаби фарзандларимиз, энг аввало, ота-онаси олдида вояга етади, таълим муассаларида ҳаётий тажрибага эга бўлади. Барчамизга маълумки, бугун ёшларимиз нафақат таълим муассасаларида, балки оммавий ахборот воситалари орқали ҳам ҳар хил ахборотларга эга бўлмоқдалар.

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 11 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

Ёшларда ахборотларни тўғри таҳлил қила олиш, улардан эзгу мақсад йўлида фойдалана олиш малакасини нафақат таълим муассасаларида, балки оилада ҳам сингдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш билан бир қаторда, ижтимоий тармоқлардан манфаатдор бўлган кучларнинг ғаразли ниятларини тўғри тушунтириш чора тадбирларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар кенг кўламда ташкил этилишини назорат қилиш зарур.

Бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчи-ёшларни юртига содиқ, мард ва жасоратли, қўҳна ва навқирон тарихимизга ғурур туйғусини сингдирган ҳолда тарбиялашдир. Бунинг учун ёшларнинг истак ва мойилликларни эътиборга олган ҳолда уларни ҳар томонлама этук ва баркамол қилиб этиштиришда жаҳоннинг илғор тажриба ва усулларидан фойдаланиш зарур.

Шахснинг, инсоннинг маънавий-маърифий, руҳий камолоти таъминланмаса, жамиятнинг моддий-техник тараққиёти бир томонлама бўлади ва кутилган натижани бермайди. Руҳий ибтидо ёшлар қалбини юксак маданият ва ахлоқий фазилатлар билан бойитишга, уларнинг умуман миллатнинг руҳий-маънавий ростланишига ёрдам бериши керак.

Инсоният томонидан тўпланган беҳисоб маданий бойликлардан баҳраманд бўлиш, уларни ўзлаштириш ўқувчи-ёшларда гуманистик дунёқарашнинг ватанпарварлик, виждон, эътиқод, ор-номус, шаън, мардлик, жасорат, олийҳимматлик, фидойлик, инсонпарварлик каби қадриятларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ёшларда бундай сифат ва фазилатларни тарбиялаш таълим тизимида устувор аҳамиятга эга бўлиши керак.

Умумтаълим мактабларида маънавий тадбирларни ташкил этишда барча ўқувчи-ёшларни Республикамизнинг тарихий шаҳарларига, диққатга сазовор жойларига мунтазам равишда саёҳатлар уюштириб туриш, музейларга, кўргазмаларга, театрларга, концертларга махсус жадвал тузиб оммавий равишда олиб бориш, таълим муассасаларида уларнинг меҳнат ва уруш фахрийлари билан, замонамиз қаҳрамонлари билан, санъаткорлар, шоирёзувчилар, шифокорлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар билан давра суҳбатларини, учрашувлар ташкил этиш-булар ҳаммаси ўқувчи-ёшларда миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш билан бирга уларнинг дунёқарашини янада кенгайтиришга, бойитишга умуминсоний савиясини оширишга ёрдам беради.

Маънавий - маърифий ишларнинг мазмуни, йўналишлари жаҳонда, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга мос равишда доимо янгилаб бориш зарур.

Баъзи ҳолларда тарғибот - ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доирада қолиб кетаётганлиги, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаётганлиги, тажрибасиз айрим ёшларнинг онгига етиб бормаётганлигининг нақадар хавфли эканлигига махсус тўхталиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятимизнинг тез суръатларда ахборотлашуви шароитида ёшлар маънавий қиёфаси такомиллашувининг ижтимоий-маънавий масалалари шу даражада долзарбки, бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ бўлган масалалар нафақат мактаб, лицей, олий ўқув юртлари, балки оила, маҳалла, ёшлар билан ишлайдиган жамоат ташкилотлари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалар асосида изчиллик билан амалга оширилиб, уларнинг дунёқарашларида ватанпарварлик туйғусини тўлиқ шакллантирганимиздагина биз кўзланган мақсадимизга эришамиз ҳамда ёшларимизни ўзбек халқининг миллийлиги, нурли истиқболи ва порлоқ келажагига чин маънода эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган буюк халқимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб камол топишига замин яратилган бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов. И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. -71 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Қуронов М. Мафкуралар тортишуви тўхташи йўқ. Жамият ва бошқарув. 1998. 2-сон. 24-бет.
5. Абдуллаева Д.С. Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Дисс. …фал. фан. ном. –Т., 2006. – 155 б.
6. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: Шарқ, 1998. - 240 б.
7. Кабиров Ж., Сагдуллаев.А. Ўрта Осиё археологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 159 б.
8. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 97 б.
9. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан. докт... дис. – Т., 2000. – 305 б.
10. М.А. Тилакова, А. Мелибоев. Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганишга қаратилган синфдан ташқари машғулотлар мазмуни. Academic research in educational sciences volume 2/ ISSUE 4/2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723.
11. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.:Ўзбекистон, 1995. - 32 б.